

Фарзандларимизга Исломдан таълим берайлик!



16:05 / 21.10.2019 2563

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

هُلِّلْ أَلْوُقَيَّ: «مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ صِلْ لَلْ أَلْوُسْرَ لَأَقْ: لَأَقُ نَعُهُ لَلْ أَلْوُسْرَ نَأْنَعُ
بُيْ شَتَفْ مَالِ سِإِلِ فِي نَأْبِ شَيْ تَمَّ أَوْ دَبَّ عُنْمِ حَتَّ سَأَلِ يِّنَا: يَلْ أَعَتْ وَكَرَابَتْ
يَلْ عِي وَبَأْ هَأْوَر. «كَلَّ دَدَّ عُبْ أُمَّهَ بَدَّ عُنْمِ نَأْمِ أَلْ سِإِلِ فِي تَمَّ أَسْ أَرَوْ دَبَّ عُهُ عِي حَلْ

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Аллоҳ таборака ва таоло: «Мен соч-соқоли Исломда оқарган бандам ва чўримни - зеро, бандамнинг соқоли, чўримнинг сочи Исломда оқаради - шундан кейин азоблашдан уяламан», дейди».

Абу Яъло ривоят қилган.

هُتَافِ عُمَهِ لَلْأَسَاءِ: لِقَافٍ فِى فُرْحِ أَهْلِ عِلَالَتِى لَعَنَ نَارُوقِ لِكُتْمِ أَرْقَتِ نَأْ كُرْمِ أَيَّ هَلَلِ
نَأْ كُرْمِ أَيَّ هَلَلِ نَأْ: لِقَافٍ عِبَارِلِ أَعَجُّ مَثِ، «لِكَلِ ذُقِى طُتِ أَلِ يَتْمِ أِنِ أَوْ، هَتَرَ فَعَمَوِ
هُ أَوْر. أُوْبِ أَصَأْ دَقَفِ هَيْ لَعِ أَوْ أَرْقِ فَرَحِ أَمِى أَفِ، فُرْحِ أَهْلِ عِلَالَتِى لَعَنَ نَارُوقِ لِكُتْمِ أَرْقَتِ
مُهْمِ نَمَ، نِيَّيْ مِ أَمِّ لِي تَتَّعِبِ يِنِ، لِي رِبِجِ أَيَّ» هُظْفَلِ وَ يَزْمَرَّتِ لِ أَوْ دَوَادِ وَ بَأَوْ مِ لِسْمِ
«طِقِ أَبَاتِ كُتْمِ أَرْقِ مِ لِي دَلِ أَلِ جَرَلِ أَوْ، هَيْ رَاجِ لِ أَوْ، مِ أَلِ عِلِ أَوْ، رِي بَكِ لِ أَلِ خِي شِ لِ أَوْ، زُوْجِ عِلِ
فُرْحِ أَهْلِ عِلَالَتِى لَعَنَ نَارُوقِ لِكُتْمِ أَرْقَتِ نَأْ: لِقَافٍ

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Бану Ғифорнинг ҳовузи олдида эканлар, ҳузурларига Жаброил алайҳиссалом келиб:

«Аллоҳ умматинг Қуръонни бир ҳарфда ўқишини сенга амр қилмоқда», деди.

«Аллоҳдан Унинг офияти ва мағфиратини сўрайман. Албатта, бунга умматимнинг кучи етмайди», дедилар у зот. Сўнгра иккинчи марта келиб:

«Аллоҳ умматинг Қуръонни икки ҳарфда ўқишини сенга амр қилмоқда», деди.

«Аллоҳдан Унинг офияти ва мағфиратини сўрайман. Албатта, бунга умматимнинг кучи етмайди», дедилар у зот. Кейин учинчи марта келиб:

«Аллоҳ умматинг Қуръонни уч ҳарфда ўқишини сенга амр қилмоқда», деди.

«Аллоҳдан Унинг офияти ва мағфиратини сўрайман. Албатта, умматимнинг бунга кучи етмайди», дедилар у зот. Кейин тўртинчи марта келиб:

«Аллоҳ умматинг Қуръонни етти ҳарфда ўқишини сенга амр қилмоқда. Қайси ҳарфда ўқисалар ҳам тўғри қилган бўладилар», деди».

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Термизийнинг лафзида:

«Эй Жаброил! Мен бир уммий умматга юборилганман. Уларнинг ичида кампирлар, қари чоллар, ёш болалар, кичик қизчалар ва мутлақо ёзув ўқимаган кишилар бор», дедилар. У: «Эй Муҳаммад! Қуръон етти ҳарфда нозил қилингандир», деди», дейилган.

Бу ҳадиси шарифда Қуръони Каримнинг етти ҳарфда нозил бўлишидан кўзланган мақсад очиқ-ойдин келмоқда.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил алайҳиссаломга қайта-қайта:

Маълумки, Исломда инсонни тоқатидан ташқари ишга таклиф қилиш йўқ. Жумладан, рўза масаласида ҳам. Шу маънода Аллоҳ таоло ўта кексайиб қолганлари сабабли рўза тутса қийналиб қоладиган қарияларга рўза тутмасликка рухсат берган.

Бу ҳақда Бақара сурасида оятлар келган. Биз ўрганаётган ривоятда улўф саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ана шу ояти кариманинг ҳукмини тушунтириб бермоқдалар.

Мазкур оятга кўра, қартайиб қолган чол-кампирларга рўза тутмасликка рухсат бор ва рўзаси тutilмаган ҳар бир кун эвазига бир мискинга таом беришлари мумкин.

Баъзи бир кишилар ўзлари ёш бўлсалар ҳам, соғлиқлари яхши эмаслиги сабабли рўза тутишга қийналадиган бўлиб қоладилар. Ана шундай кишилар ҳам рўза тутмасликлари мумкин. Рўзанинг ўрнига фидя берадилар.

«Фидя» сўзининг луғавий маъноси «фидо қилиш» бўлиб, шариатда маълум бир нарсанинг ўрнига мол сарфлаш фидя бериш деб аталади.

Қарилликлари туфайли рўза тутма олмайдиганлар учун фидя беришнинг жорий қилиниши бежиз эмас. Унда мискинларнинг манфаати билан бирга, ўша рўза тутма олмаган кишиларнинг ибодатни адо эта олмаганлари учун афсус-надоматларини енгиллатиш ҳам бор.

«Кексаларни эъзозлаш» китобидан